

## Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида жами **631,6 минг гектар** майдонда чўл ўсимликларидан “**яшил қопламалар**”- ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди.

Шунингдек, Нукус, Хива, Урганч ва Бухоро шаҳарларида жами **30 километр** масофада “**яшил белбоғ**”- ҳимоя дарахтзорлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида **2,5 минг** гектар майдонда **иҳота дарахтзорлари** барпо этилди.

Ўрмон хўжаликлари томонидан **2021 йилда 1,5 минг тонна**дан ортиқ ҳар хил турдаги дарахт ва буталарнинг уруғлари тайёрланиб, **1,2 минг гектар**да **ниҳолхона ва кўчатхоналар** ташкил қилинди.

Ўрмон хўжаликлари томонидан жами **105 млн. дона** жумладан, **30 млн. дона** тут, **15 млн. дона** терак ва павловния, **60 млн. дона** бошқа турдаги манзарали, мевали дарахт ҳамда буталарнинг ниҳол ва кўчатлар етиштирилди.

Ўрмон хўжаликларида соҳа олимлари билан биргаликда олиб борилган илмий изланишлар натижасида павловниянинг Шангтон, Томентоза, ФТЕ, 9501-гибрид каби навлари, теракнинг Самсун, Измит навлари тизимли равишда экилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, 2021 йил куз мавсумида “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасида жами **85,8 млн. дона** манзарали, мевали ва бошқа турдаги кўчатлар экилди. **2022 йил** баҳор мавсумида **125 млн. дона** манзарали, мевали ва бошқа турдаги кўчатлар экилиши кўзда тутилмоқда.

Ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ерларида **16 дона** тик кудуқ қазилиши ва **14 дона** сув насослари ўрнатилиб, ишга

туширилиши ҳисобига ўрмон фондидаги **5 минг гектар** фойдаланилмаётган ер майдонлари фойдаланишга киритилди.

Ўрмон хўжаликлари томонидан жами **93 минг гектар**, шундан **73 минг гектарда** биологик, **19,5 минг гектарда** механик ва **0,5 минг гектарда** кимёвий усулда ўрмон касаллиги ва зараркунандаларига қарши кураш тадбирлари амалга оширилди.

Шунингдек, жорий йилда **5 минг гектар** майдонда доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантациялари барпо этилиб, ўрмон хўжаликлари томонидан **8 минг тонна** доривор ва озуқабоп ўсимликлар хомашёси тайёрланди.

Ўрмон хўжаликларида хусусий сектор субъектларини кенг жалб қилиш ҳисобига чорва бош сони **150 минг донага**, парранда бош сони **1 млн. донага**, асалари оиласи сони **200 минг донага** етказилди.

Ўрмон фондига хусусий сектор субъектларини кенг жалб қилиш мақсадида инвестор ва тадбиркорларга инвестицион лойиҳалар асосида ўрмон фондининг фойдаланилмаётган **30 минг гектар** ер майдонлари ижарага берилди.

Ўрмон фонди ерларида **2 та** ташриф марказлари, **30 та** эко маршрутлар ташкил этилди. Шунингдек, экотуризмни ривожлантириш бўйича **190 та** лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига экотуризм объектлари сони **275 тага** етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сон қарорига кўра ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган (ўрмон билан қопланмаган) ерларида тик қудуқ қуриш ва сув насосларини ўрнатиш орқали уларнинг мелиоратив ҳолатини ва унумдор тупроқ қатламни яхшилаш, ушбу ерларда

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда янги турдаги ёғоч маҳсулотларини ишлаб чиқариш шунингдек, ихота дарахтларининг янги, Ўзбекистон иқлимига чидамли навларини яратиш мақсадида “Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг лаборатория биносини реконструкция қилиш” бўйича 2021 йилда республика бюджетидан жами **15,4 млрд. сўм** пул маблағлари лимит сифатида ажратилди.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг лаборатория биноси реконструкция қилинди.

Шунингдек, “маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги **9 та**, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги **10 та** маҳаллада аҳоли муаммолари ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Соҳада фаолият юритаётган **685 нафар** раҳбар ва ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этилди. Соҳада малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ўрмон хўжаликларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг **300 нафари** махсус сиртқи йўналиш асосида ўқитилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, қўмита раиси тавсиясига асосан **14 нафар** ёш йигит-қиз ўрмончилик йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида фаолият кўрсатаётган олимларнинг ўртача ёши **71 ёшдан 54 ёшга** ёшартирилди. Илмий салоҳият эса **18 фоиздан 47 фоизга** оширилди.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан **9 та** амалий, **4 та** инновация лойиҳалари ҳамда соҳа муаммоларига бағишланган **22 та** илмий тадқиқотлар олиб

борилиб, **192 та** мақола чоп этилди, шулардан **40 таси** дунёдаги юқори рейтингли илмий нашрларда эълон қилинди.

Шу билан бирга, маданий ўрмонзорларни кенгайтириш мақсадида хандон пистанинг **13 та** янги нави яратилиб, ўрмон хўжалиги соҳасида **14 та** янги ихтироларга патент олинди. Ҳозирда яна **4 та** илмий ишланмаларга патент гувоҳномасини олиш учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига талабномалар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 майдаги “Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 274-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан белгиланган рейтинг натижаларига кўра Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти **72 балл** тўплаб, **105 та** илмий-тадқиқот муассасалари ичида фахрли **10-ўринни** эгаллади.